

ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МОДЕЛИ: ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА НАТИЖАЛАР ТЕЗИС

Тоҳиров Асилбек Комилжонович

Тошкент Кимё халқаро университети 1-босқич

магистранти

tokhirovasilbek153@gmail.com

ORCID: 0009-0001-4143-7351

Аннотация

Ушбу тезисда Жанубий Кореянинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширган ислохотлари ва стратегик ёндашувлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида давлат-хусусий шериклик механизмлари, рақамли технологияларни интеграция қилиш жараёнлари, ҳамда давлат сиёсатининг мувофиқлаштирувчи ва ташаббускор роли аниқлаштирилган. Жанубий Корея тажрибаси асосида Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини барқарор ва рақобатбардош ривожлантиришга қаратилган бир қатор амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, рақамли инфратузилмани кенгайтириш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва хусусий сектор фаоллигини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқот натижалари Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги сиёсатини такомиллаштириш, стратегиялар ишлаб чиқиш ва замонавий инфратузилма моделини шакллантиришда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: туризм инфратузилмаси, Жанубий Корея, давлат-хусусий шериклик, рақамли технологиялар, барқарор ривожланиш, рақобатбардош туризм, халқаро ҳамкорлик, хусусий сектор, Ўзбекистон.

Abstract:

This thesis provides a comprehensive analysis of the strategies implemented by South Korea in developing its tourism infrastructure. The study particularly focuses on public-private partnership (PPP) mechanisms, the integration of digital technologies, and the coordinating role of government policy. Furthermore, the research examines the country's strategic measures to ensure a sustainable and competitive tourism infrastructure. Based on this experience, practical recommendations have been proposed for improving tourism infrastructure in Uzbekistan. These include expanding digital infrastructure, attracting private sector investment, strengthening international cooperation, and developing environmentally friendly infrastructure in line with green economy principles. The findings of this thesis can

serve as a scientific and practical foundation for enhancing tourism policy and infrastructure planning in Uzbekistan.

Keywords: tourism infrastructure, South Korea, public-private partnership, digital technologies, sustainable development, competitive tourism, international cooperation, private sector, Uzbekistan.

КИРИШ

Бугунги кунда туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётида фаол инвестициявий ва ижтимоий ривожланиш драйверларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Туризмни барқарор ва рақобатбардош ривожлантириш, аввало, замонавий, хавфсиз ва функционал инфратузилмани шакллантиришга боғлиқ. Чунки туристлар учун қулай транспорт, турар жой, ахборот ва коммуникация хизматлари мавжудлиги уларнинг саёҳатдан оладиган таассуротига бевосита таъсир кўрсатади. Жаҳон амалиётида, айниқса Жанубий Корея мисолида, инфратузилмани рақамли технологиялар ёрдамида ривожлантириш, инвестицияларни мақсадли жалб этиш ва давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш самарали натижалар бергани кузатилмоқда. Жанубий Корея туризм инфратузилмасини ривожлантиришда комплекс ёндашувни амалга оширган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакат 1970-йиллардан бошлаб транспорт, меҳмонхона бизнеси ва ахборот-коммуникация тармоқларини қамраб олган кенг қўламли инфратузилма лойиҳаларини амалга оширган. Бу жараёнда давлат-хусусий шерикликнинг самарали моделлари жорий этилган бўлиб, хусусий секторни туризм лойиҳаларига фаол жалб қилишга эришилган. Шу билан бирга, рақамли технологиялар — масалан, электрон туристик маълумот марказлари, онлайн брон қилиш тизимлари ва рақамли йўлқўрсаткичлар — туризм сифатини оширишда муҳим рол ўйнаган. Давлат томонидан таълим дастурлари ва касбий тайёргарлик марказлари орқали мутахассислар тайёрланиши ҳам инфратузилманинг самарадорлигига ҳисса қўшган. Жанубий Корея туризм инфратузилмасини рақамлаштириш орқали глобал рақобатбардошликни оширишга ҳаракат қилмоқда. 2020 йилда ишга туширилган “Smart Tourism City” дастури доирасида туристлар учун мобиль иловалар, QR-кодли аудиогидлар, интерактив музей экспозициялари ҳамда AR/VR технологиялардан фойдаланиш имкониятлари яратилди. Айниқса Пусан шаҳрида туристик объектлар тўғрисидаги real-time маълумотлар махсус рақамли платформалар орқали тақдим этилмоқда. Бундай технологик ёндашув нафақат туристлар тажрибасини яхшилади, балки туризм билан боғлиқ иқтисодий фаолликни ҳам рағбатлантирди. Шу билан бирга, мамлакатда халқаро стандартларга мос аэропортлар, йўллар ва меҳмонхоналар қурилишига катта миқдорда инвестициялар йўналтирилган. Туризм соҳасидаги рақамли ечимлар ва мобил иловалар

хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаган бўлса, экологик туризм соҳасида эса маданий мерос ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса Кореяни барқарор ва тажрибавий туризм марказига айлантиришга хизмат қилмоқда. Жанубий Кореянинг туризм инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштиришдаги тажрибаси Ўзбекистон учун ўрганиш ва қўллашга арзийдиган муҳим модел ҳисобланади. Хусусан, рақамли технологияларни жорий этиш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш каби йўналишлар Корея муваффақиятининг асосини ташкил этган. Ўзбекистонда ҳам бу каби ислохотлар учун қулай имкониятлар мавжуд. Масалан, мамлакатда туристик хизматларга мобиль илова ва онлайн бронлаш тизимларини жорий этиш, ахборот инфратузилмасини янгилаш, ва туристик жозибадор шаҳарларда “ақлли туризм” дастурларини ишлаб чиқиш самарали бўлиши мумкин. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида амалда қўлланилаётган рақамлаштириш тажрибаси — масалан, туризм объектлари ҳақида онлайн маълумотларни реал вақтда тақдим этиш — Ўзбекистоннинг туристик марказларида ҳам жорий қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жанубий Кореянинг “Smart Tourism City” ташаббуси доирасида амалга оширилган инновацион ечимлар — жумладан, мобил иловалар, QR-кодли гид хизматлари, виртуал турар жойлар ва интерактив музейлар — туристик хизматлар сифатини анча оширган. Бу технологиялар туристларга саёҳат давомида тезкор маълумот олиш, маршрутни мустақил режалаштириш ва маданий объектлар билан интерактив танишиш имконини яратади. Мамлакат инфратузилмага йирик сармоя киритиб, замонавий аэропортлар, кенг автомагистраллар, юқори сифатли меҳмонхоналар ва кўнгилочар мажмуалар қурилишини таъминлаган. Бундай лойиҳалар нафақат туризм оқимини кўпайтирди, балки ички ялпи маҳсулотдаги туризм улушини ҳам оширди. Шунингдек, Кореяда экологик туризмга ва маданий меросни сақлашга алоҳида эътибор берилади — масалан, миллий боғлар, анъанавий фестиваллар ва тарихий ёдгорликлар туристлар учун ноёб тажриба манбаи сифатида хизмат қилмоқда. Жанубий Кореяда экологик туризмнинг ўсиши мамлакатнинг тоза экологик муҳити ва табиий ресурсларини самарали муҳофаза қилиш сиёсати билан боғлиқ. Мамлакатда экологик боғлар, ҳимояланган ҳудудлар ва табиатга кам таъсир қилувчи туристик объектлар кенг ривожлантирилган. Шу билан бирга, туризм инфратузилмасини яратишда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали шериклик алоқалари катта аҳамият касб этмоқда. Масалан, йирик меҳмонхона тармоқлари, транспорт лойиҳалари ва туристик IT-платформалар айнан ушбу шериклик асосида амалга оширилган. Бундай ёндашув фақат молиявий ресурсларни жалб этиш билан чекланмай, инновация ва сифатли хизмат кўрсатишни ҳам таъминлайди. Шунингдек, Жанубий Кореяда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг билим ва кўникмаларини мунтазам ошириш тизими шакллانган. Бу орқали янги

технологияларни ўзлаштириш ва туристлар учун замонавий, юқори даражадаги хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Жанубий Кореяда туризм соҳасига оид таълим тизими кенг қамровли ва мақсадли ташкил этилган бўлиб, университетларда махсус туризм факультетлари, малака ошириш курслари ҳамда халқаро семинарлар мунтазам ўтказилади. Бу орқали туризм соҳасида замонавий билимларга эга мутахассислар етишиб чиқмоқда. 1990-йиллардан бошлаб Корея Республикаси туризмни иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаган ва бу соҳадаги инфратузилмани стратегик режалар асосида қайта қуришга киришган. Масалан, миллий туризм агентликлари орқали давлат сиёсатини амалга ошириш, хусусий секторни фаол жалб этиш, халқаро инвестиция форумларини ташкил этиш амалиёти кенг жорий этилган. Бу ислохотлар натижасида мамлакатда йирик туристик марказлар, логистика тармоқлари ва рақамли хизмат платформалари шаклланди. Туризм соҳаси Жанубий Корея иқтисодиёти учун нафақат иш ўринлари яратувчи, балки ЯИМга тўғридан-тўғри ҳисса қўшувчи муҳим драйверга айланган. Жанубий Кореяда туризм инфратузилмасига қаратилган инвестициялар нафақат иқтисодий ўсишни таъминламоқда, балки аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратишда ҳам муҳим ўрин тутаяпти. Мамлакатга келаётган туристлар сони ортиб, улар томонидан сарфланадиган маблағлар ички бозорни фаоллаштирмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Корея Республикаси “яшил иқтисодиёт” тамойилларини инфратузилма лойиҳаларига интеграция қилишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Бу орқали экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва сайёҳлик фаолияти натижасидаги таъсирни минималлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, янги қурилаётган меҳмонхоналарда энергия самарадорлиги юқори ускуналар, қайта тикланадиган энергия манбалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш тизимлари жорий этилмоқда. Бу эса туризмни ривожлантириш билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган узвий ёндашувнинг яққол намунасидир. Жанубий Кореяда “яшил инфратузилма” тушунчаси қоғоздаги шиор эмас, балки амалиётда ўз ифодасини топаётган муҳим устуворликка айланган. Ҳукумат томонидан туризм объектларини лойиҳалаш ва реконструкция қилишда экологик стандартларга амал қилиш мажбурий этиб белгиланган. Масалан, Сеул ва Пусан каби йирик шаҳарларда халқаро LEED сертификатига эга бўлган энергия тежовчи меҳмонхоналар сони ортиб бормоқда. Туристик жозибали ҳудудларда электр автобуслари ҳаракатланадиган махсус йўналишлар ва велосипедлар учун қулай инфратузилма яратилган. Бундай экотранспорт нафақат экологик ифлосланишни камайтиради, балки туристларга шаҳарни янги бурчакдан кўриш имконини беради. Шунингдек, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда атроф-муҳитга таъсир этмайдиган, маҳаллий табиат ва биохилма-хилликни муҳофаза қилувчи “эко-турлар” ташкил этилаяпти. Хусусан, Чеджу

оролидаги биосфера резерватлари ва эко-парклар нафақат туристик манзил, балки экологик таълим марказига ҳам айланган. Жанубий Корея эко-туризм соҳасида ҳам ўзининг фарқли ва барқарор ёндашуви билан ажралиб туради. Хусусан, Чеджу ороли, Гангвон провинцияси ва Сеораксан миллий боғи каби ҳудудлар нафақат табиий гўзалликлари билан, балки экологик ҳимоя ва таълимни уйғунлаштирган инфратузилма орқали машҳур бўлмоқда. Бу ерларда сайёҳлар нафақат дам олади, балки атроф-муҳитни асрашга қаратилган интерактив фаолиятларда ҳам иштирок этади. Масалан, Чеджуда маҳаллий жамоа ва меҳмонлар биргаликда “табиатни тиклаш” акцияларини ўтказишади.

Шу билан бирга, Жанубий Корея яшил инвестицияларни жалб этиш бўйича ҳам жиддий ишлар олиб бормоқда. Давлат томонидан эко-лойиҳаларга субсидиялар ва солиқ имтиёзлари берилиши, хусусий “яшил банклар” орқали кредитлар таклиф этилиши — бу соҳанинг инвестициявий жозибасини янада оширган. Халқаро даражада эса Green Climate Fund ва Global Green Growth Institute каби институтлар орқали Корея ўз экологик лойиҳаларига ташқи маблағларни жалб этаётгани қайд этишга арзийди. Бу нафақат туризмни, балки барча соҳаларда экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли стратегиядир.

Тавсиялар

Жанубий Кореянинг яшил иқтисодиётга асосланган туризм инфратузилмаси бўйича ютуқлари Ўзбекистон учун бир қатор амалий хулосалар чиқариш имконини беради. Мазкур тажрибани инобатга олган ҳолда қуйидаги стратегик тавсияларни илгари суриш мумкин:

1. Қонунчилик базасини мустаҳкамлаш: Туризм инфратузилмасини қуришда экологик стандарт ва меъёрларга мосликни мажбурий тартибда жорий этиш, бу орқали экологик масъулиятни қонун даражасида таъминлаш лозим.

2. Технологик модернизация: Меҳмонхона хўжалиги ва транспорт соҳаларида энергия тежовчи ва углерод чиқиндисини камайтирувчи технологияларни босқичма-босқич жорий этиш зарур. Бу нафақат табиатни муҳофаза қилади, балки операция харажатларини ҳам камайтиради.

3. Эко-туризм ҳудудларини ривожлантириш: Зомин, Нурата ва Арқоқ каби табиий салоҳиятга эга ҳудудларда мақсадли эко-маршрутлар, эко-меҳмонхоналар, биосфера резерватлари ва пиёда сайр йўлакларини шакллантириш зарур.

4. Молиялаштиришнинг янги манбалари: Яшил инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро грантлар, Global Green Growth Institute ва Green Climate Fund каби ташкилотлар билан ҳамкорликда маблағлар жалб этиш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

5. Соҳалар ҳамкорлигини кучайтириш: Туризм ва табиат муҳофазаси соҳалари ўртасида мувофиқлашган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва унинг амалий ижросини таъминлаш, хусусан, ўрмон хўжалиги, гидрология, архитектура ва транспорт соҳалари билан интеграциялаш зарур.

Шунингдек, Жанубий Кореянинг рақамли хизматларини (масалан, электрон гидлар, AR-навигаторлар), давлат-хусусий шерикликдаги инфратузилма лойиҳаларини ва экосистемани бошқаришдаги ёндашувларини Ўзбекистон шароитига мослаштириш катта самара беради. Бу нафақат туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширади, балки барқарор иқтисодий ўсишга ҳам хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг. (2020). Туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор, 10.06.2020 йилдаги 402-сон.
2. Ўзбекистонда Туризм Инфратузилмасининг Ривожланиши ва Инвестицияларнинг Иқтисодий Таъсири. (2020). Ўзбекистон Туризми, 17(2), 24-42.
3. Газета.uz. (2024). Туризмга инвестициялар. <https://www.gazeta.uz/oz/2024/04/10/tourism-investment/>
4. Kun.uz. (2023). Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини ривожлантириш стратегиялари: Давлат-хусусий шериклик тажрибаси. <https://kun.uz/news/2023/11/05/uzbekiston-tourism-infrastructure-strategies>
5. Uzbekistan Tourism. (n.d.). www.uzbektourism.uz
6. UNWTO. (n.d.). www.unwto.org
7. Tourism Economics. (n.d.). www.tourismeconomics.com
8. OECD. (n.d.). www.oecd.org